



2020 йил “20” октябрь

№ 87-02-361

**Барча олий таълим  
муассасалари ректорлари  
хамда филиаллар  
директорларига**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сон Фармонининг 18-банди ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ёшлар, маънавият ва жамоат ташкилотлари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш масалалари котибиятининг 2020 йил 19 октябрдаги 07/1-609-сон топшириғи ижро учун йўлланмоқда.

Юқоридагилардан келиб келиб чиқиб, Вазирлик Сиздан, тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган талабалар билан олий таълим муассасалари ўртасида имзоланадиган шартномаларни расмийлаштиришда мазкур топшириқда белгиланган тўлов муддатларини инобатга олишингизни сўрайди.

Илова 2 varaқда

**Вазирнинг биринчи  
ўринбосари**



**У. Саломов**

**О‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining Ta’lim,  
sog‘liqni saqlash, madaniyat, yoshlar, ma’naviyat va  
jamoat tashkilotlari, mahalla va oilani qo‘llab-quvvatlash  
masalalari kotibiyati**

---

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**  
(Маджидовга, Саломовга)

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг  
муружаатига (81-02-356-сон, 19.10.2020 й.) розилик  
берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини  
ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича  
Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли  
иктисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга  
оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартдаги  
ПФ–5953-сон Фармонида белгиланган вазифалар ижросини  
таъминлаш мақсадида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб  
республика олий таълим муассасалари талабаларига ўқув  
йили давомида тўлов-контракт маблағларини тенг  
улушларда бўлиб, камида тўрт мартаба тўлаш имконияти  
берилсин.

Котибият мудирини

 Б. Онорбоев

2020 йил “19” октябрь  
№ 07/1-609 19.10.2020 й.



20 20 yil " 19 " oktyabr

№ 81-02-356

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамасига

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги "2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5953-сон Фармонининг 18-бандига мувофиқ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб республика олий таълим муассасалари талабаларига ўқув йили давомида тенг улушларда камида тўрт маротаба ўқиш учун тўловларни амалга ошириш имконияти тақдим этилишини таъминлаш белгиланган.

Мазкур банд ижросини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий таълим муассасасида тўлов-контракт асосида тахсил олаётган талабалар учун 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб тўлов муддатларини кўйидагича белгилаш таклиф этилади:

- белгиланган тўлов миқдорининг камида 25 фоизини талабаликка тавсия этилган абитуриентлар учун 15 сентябргача ёки Давлат комиссияси томонидан белгиланган муддатгача ҳамда иккинчи ва ундан кейинги босқич талабалар учун 1 октябргача ёки олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) томонидан узайтирилган муддатгача;

- белгиланган тўлов миқдорининг камида 50 фоизи 1 январгача, 75 фоизи 1 апрелгача ва 100 фоизи 1 июлгача ёки олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) томонидан узайтирилган муддатларгача;

- хорижий фуқаролар учун олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) томонидан белгиланган муддатларгача;

- Табақалаштирилган тўлов-контракт асосида талабаликка тавсия этилган абитуриентларга ўқув йилининг биринчи ярми учун тўловларни амалга ошириш муддати ва миқдорлари Давлат комиссияси томонидан ва колган қисми олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) томонидан белгиланган муддатларгача амалга ошириш.

Бунда, тўлов миқдорини белгиланган муддатларгача қисмларга бўлиб тўлашга рухсат берилади.

Мазкур таклифларга розилик берилган тақдирда олий таълим муассасаларига тегишли кўрсатма юборилади.

Вазирнинг биринчи  
ўринбосари

У. Саломов